# БУВАЙДАМ СЕНИНГ ЁШЛАРИНГ!

САМАРҚАНД ШАҲРИДА БЎЛИБ ЎТГАН РЕСПУБЛИКА ОЛИМПИАДАСИДА ТУМАНИМИЗДАГИ 2-ВИДУМИ ЎҚУВЧИСИ СИТОРАХОН ИБРОҲИМОВА МУНОСИБ ИШТИРОК ЭТИБ, ФАХРЛИ 4-ЎРИННИ ЭГАЛЛАДИ. Мазкур Республика олимпиадасида тарих фанидан Фарғона вилояти шарафини муносиб ҳимоя қилган Ситорахон Иброҳимова 42 нафар тенгдошлари орасида чуқур билимга эга эканлигини исботлади. У бир неча маротаба максимал 100 баллдан 100 балл тўплади. Олимпиада Низомига асосан баллар тенг келиб қолганда иштирокчиларга қўшимча тест топшириқлари берилиб, жараён ғолиб аниқлангунга қадар давом этказилади. Такрор-такрор ўтказилган қайта беллашувлардан сўнг Ситорахон Республикада 4-ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Республика олимпиадасидаги ушбу муносиб иштирок учун Ситорахон Иброҳимова ва унинг ота-онасини ҳамда 2-ВИДУМИ даги барча жонкуяр, фидойи устозларини самимий муборакбод этамиз!

2022-06-10 11:15:18